

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

САБИРОВ ЭРКИНЖОН КУЧКАРБАЕВИЧ

**СУДЛАР ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органлар фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Сабилов Эркинжон Кучкарбаевич

Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....5

Сабилов Эркинжон Кучкарбаевич

Организационно-правовые основы обеспечения открытости деятельности судов.....27

Sabirov Erkinjon Kuchkarbaevich

Organizational and Legal Basis for Ensuring the Transparency of Courts Activity.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

САБИРОВ ЭРКИНЖОН КУЧКАРБАЕВИЧ

**СУДЛАР ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Үу260 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Синдаров Комил Ойдинович юридик фанлар доктори, доцент Хабибуллаев Давлатжон Юлчибаевич юридик фанлар номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузуридаги
илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үу.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил _____
куни соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42.
Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (2-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси,
42. Тел.: (99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2021 йил _____ тарқатилди.
(2020 йил ____ _____ даги 00-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

Ф.Х. Сафоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар номзоди

Ф.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятининг суд ҳокимиятига нисбатан ишончи – мустақил ва адолатли одил судловнинг муҳим индикатори саналади. Судларга нисбатан ишончининг шаклланишида судлар фаолиятида очиклик ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқининг таъминланиши муҳим роль ўйнайди. Бу каби талаб одил судлов соҳасида халқаро тавсияларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг 2006 йил 27 июлдаги 2006/23-сонли “Судьяларни юриш-туришининг асосий принципларини мустаҳкамлаш Резолюцияси” билан тасдиқланган Судьялар ахлоқининг Бангалор принципларининг 3.2.-бандида таъкидланишича, “судьянинг хатти-ҳаракати ва хулқ-атвори жамоатчиликнинг суд органларининг ҳалол ва сотилмаслигига бўлган ишончини оширишга хизмат қилиши шарт. Одил судловни амалга ошириш етарли эмас, буни жамият учун очик амалга ошириш керак”.¹ 1995 йилда Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Одил судловнинг ошкоралиги, ахборот шаффофлиги принциплари ва уларни судлар фаолиятига татбиқ қилиш бўйича Тавсиясида “ҳуқуқий ахборот олиш бўйича қидирув тизимида суд қарорларини танлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва архивлашнинг мавжуд бўлиши демократик давлатларда суд ҳокимиятининг қонунийлигини белгилаб берадиган муҳим фактор”² сифатида эътироф этилган.

Дунё мамлакатлари суд тизимида судьялар томонидан ҳаллоллик, сотилмаслик, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, судларнинг одил судловни амалга оширишда уларнинг ҳақиқий мустақиллигини давлат томонидан кафолатлаш билан бир қаторда одил судловнинг шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахснинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш, суднинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, Одил судловнинг ошкоралиги, ахборот шаффофлигига доир халқаро стандартларига миллий қонунчиликни мослаштириш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда ҳам “суд органларининг фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш”³га қаратилган вазифалар белгиланган. “Барча давлат органларида

¹ **Қаранг:** https://www.unodc.org/documents/ji/training/19-03889_R_ebook.pdf

² Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг 1995 йил 11 сентябрдаги “Қарорларни танлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва ҳуқуқий ахборот излаш тизимларида архивлаштириш бўйича Р (95) Тавсияси” // Российская юстиция. 1997. № 11. - Б. 2-3.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6034-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон; 21.01.2021 й., 06/21/6143/0052-сон.

қарор қабул қилиш жараёнлари, очик ва фақат очик бўлишини таъминлаш”⁴, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бу эса фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хусусан, судлар фаолияти очиклиги ва судда иш кўришнинг ошкоралигининг ҳуқуқий табиати, очиклик ва ошкораликни таъминлаш чегараси, қафолатлари ҳамда суд ҳокимиятининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, соҳада жамоатчилик назоратини ривожлантириш истиқболларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сон, 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон, 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон Фармонлари, 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4818-сон Қарори ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида махсус монографик тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Ўзбекистонда Ш.Ш.Шорахметов, Ф.Ф.Мухитдинова, М.М.Мамасиддиқов, Х.Т.Маматов, З.Н.Эсанова, О.Р.Сулаймонов, Д.Ю.Хабибуллаев, Ж.М.Абдуллаев, И.Н.Закирова, Л.Х.Ахмедова, Ж.Х.Абдурахмонхўжаев, С.А.Марипова, Х.А.Кучқаров, О.Ш.Пирматов ва Г.М.Бердимуратоваларнинг тадқиқот ишларида у ёки бу даражада фуқаролик, иқтисодий ва жиноий суд ишларини юритишнинг ошкоралигини таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асослари ҳамда жамиятда ОАВнинг ролини оширишга доир масалалар ёритилган. Бироқ судлар фаолиятининг очиклигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мавзусида мамлакатимиз олимлари томонидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

МДХ давлатлари олимларидан О.М.Полиева 12.00.11 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ихтисослиги доирасида “Умумий юрисдикция судлари фаолиятида ошкоралик ва ахборотнинг очиклиги” мавзусида номзодлик диссертацияси

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газ. 2020 й. 30 дек. сони.

устида иш олиб борган. К.К.Магомедова 12.00.15 - Фуқаролик процесси; арбитраж процесси ихтисослиги бўйича “Фуқаролик процессуал фани ва амалиётда ошкоралик муаммоси” мавзусида, 12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ; конституциявий суд ишлари; муниципал ҳуқуқ ихтисослиги доирасида А.П.Петришин “Россияда одил судловнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари” мавзусида, Л.С.Аносова эса “Суд жараёни очиқлигининг конституциявий принциплари: ҳуқуқий тартибга солиш ва уни амалга ошириш амалиёти” мавзусида, С.В.Праскова эса 12.00.01 - Ҳуқуқ ва давлат назарияси ва тарихи; ҳуқуқ ва давлат ҳақидаги таълимотлар тарихи ихтисослиги бўйича “Адолат ошкоралигининг назарий асослари” мавзусида тадқиқот ишларини олиб борган.⁵

Бироқ мустақил Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари негизда судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари 12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура ихтисослиги доирасида яхлит тадқиқот иши сифатида илк бор тадқиқ этилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Бош прокуратура Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2-сонли “Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзуси ҳамда 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170928652-сонли “Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

судлар фаолияти очиқлигининг тушунчаси ва унинг мазмуни аниқлаш ҳамда судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашдаги мустасно (ёки истисно) ҳолатлар ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш;

судлар фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини амалга оширишдаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида суд билан ОАВ билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тадқиқ этиш;

судлар фаолиятига электрон одил судлов моделини татбиқ этиш ҳолати ва истиқболларини ўрганиш;

суд ҳокимияти очиқлигини таъминлашда жамоатчилик назоратини ривожлантириш масалаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

судда ишларнинг кўрилишида халқ маслаҳатчилари институтини

⁵ Ушбу олимлар асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

судлар фаолияти очиклигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида судлар фаолиятининг очиклигини таъминлаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети судлар фаолияти очиклигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндошув, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, сўровнома ўтказиш, аниқлаштириш, статистик маълумотлар таҳлили ва суд амалиёти таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суд-ҳуқуқ соҳасида жамоатчилик назорати институтини, жумладан ҳар қандай шахснинг очик суд мажлисларида иштирокини кафолатлаш, уларнинг қонунда белгиланган тартибда суд залида фотосуратлар, видео ва аудио ёзувларни амалга оширишининг ҳуқуқий механизмларини қонунда белгилаш асослантилган;

судлар фаолиятининг очиклигини таъминлашга қаратилган қонунчилик асосларини конституциявий, процессуал ва моддий-ҳуқуқий гуруҳларга ажратиш ҳамда бу борадаги қонун ҳужжатларини унификация қилиш ва ягона қонунга бирлаштириш таклифи асослаб берилган;

судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг аниқ таърифи ва рўйхатини шакллантириш, ушбу маълумотларни олиш усуллари ва шартлари, маълумотларни тақдим этиш шакли ва ундан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини қонунчиликда белгилаш таклифи этилган;

суд ҳокимияти билан ОАВ ўзаро муносабатларнинг амалга оширилиши тартибини белгилаш ва унда судлар, суд ҳамжамияти органлари билан ОАВ таҳририяти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мақсад ва шаклларига доир нормаларни қонунчиликда белгилаш зарурати асослантилган;

судьялар ҳамжамияти органларининг очикликни таъминлаш йўналишида амал қиладиган устувор принциплари сифатида ўзаро ишончга асосланиш, томонларнинг жавобгарлиги, ўзаро манфаатдорлик, жамоатчилик манфаати, ахлоқ қоидаларига риоя этиш, шаффофлик, объективлик ва технологик имкониятларни ҳисобга олишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш асосланган;

судларда халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш, жумладан суд муҳокамасида халқ вакилларининг иштирокини таъминлашда ушбу институтнинг ўрни ва роли юқори эканлиги кўрсатиб берилиб, судларда нафақат жиноят, балки маъмурий ва фуқаролик ишларининг кўрилишида ҳам халқ маслаҳатчиларининг иштирокини жорий этиш таклифи асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар

фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш зарурати асослаб берилган ва мазкур Қонунда судлар фаолияти тўғрисида маълумотларни олиш қандай усуллар билан таъминланиши, судларнинг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари ҳам алоҳида бўлимда баён этилиши, ушбу бўлимда судлар, суд ҳамжамияти органлари билан ОАВ таҳририяти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мақсад ва шаклларига оид нормаларни киритиш тўғрисидаги таклифлар асослантилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунига одил судловнинг очиқлиги принципининг барча элементлари қамраб олинishi, суд ҳокимиятининг фаолиятига доир ахборотлар билан жамоатчиликни хабардор қилишнинг умумий шартлари ва қафолатлари, мазкур ахборотларни олиш борасидаги чекловлар тўғрисидаги нормалар киритишга доир хулоса берилган;

суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ахборот билан таъминлашнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклиф асослантилган;

суд ҳокимияти ва ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг амалга оширилишини белгиловчи Тартибни ишлаб чиқиш зарурлиги асослантилган;

“Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида “Ўзбекистон Республикасининг халқ маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар, ахборот базасида эълон қилинган статистик маълумотларга асосланган, унда чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган таклифлар ва илмий хулосалардан суд ҳуқуқи назариясини ривожлантириш, суд ишларини юритиш, суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг назарий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзуни тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда, суд ҳуқуқи, ахборот ҳуқуқи йўналишидаги илмий тадқиқотларда, норма ижодкорлигида, суд амалиётида, “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, “Иқтисодий процессуал ҳуқуқи”, “Жиноят процессуал ҳуқуқи”, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”, “Ахборот ҳуқуқи” ва бошқа махсус модуллардан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўқитишда, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича тадқиқотдан олинган илмий натижалар асосида:

хар қандай шахс очик суд мажлисида қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги, суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахслар, ОАВ вакиллари қонунда белгиланган тартибда суд залида фотосуратлар, видео ва аудио ёзувларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 12-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 5 ноябрдаги 04/Х-755-20-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахслар, ОАВ вакиллари томонидан фотосуратлар, видео ва аудио ёзувларни амалга оширишга қўшимча имкониятларни яратган;

суд мажлиси томонларнинг ўз процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш ва процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида махсус жиҳозланган хонада суд мажлиси залида ўтказилиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 12-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 5 ноябрдаги 04/Х-755-20-сонли маълумотномаси). Натижада суд мажлисларининг замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланиши, суд процесси иштирокчиларининг ўз процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш ва процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун ҳуқуқий асосларнинг яратилишига эришилган;

судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг асосий принциплари сифатида ушбу органлар ўз фаолиятини очик тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга ошириши, ушбу органларнинг асосий вазифалари сифатида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан муносабатларда суд ҳокимияти манфаатларини ифодалашини назарда тутувчи нормалар “Ўзбекистон Республикаси судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг 5 ва 6-моддаларига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси ўринбосарининг 2021 йил 26 январдаги 122-21-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ўз фаолиятини очик тарзда, ОАВ билан ҳамкорликда амалга ошириш, судлар фаолияти билан боғлиқ ОАВда эълон қилинган ахборотларни текшириш ва натижаси бўйича тегишли чоралар кўришнинг янада самарали ҳуқуқий механизмларини яратишга хизмат қилган;

суд ишларини юритишда ошкораликни таъминлаш учун зарур бўлган қоидалар, судда иш кўришнинг очиклигини таъминлашни такомиллаштиришга доир концептуал ғоя ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ва Тошкент давлат юридик университетининг тингловчи ва талаблари учун тайёрланган “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” дарслиги (II-боб. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принциплари)да ўз ифодасини топган (ЎЗР ОЎМТВ нинг 2020 йил 30 октябрдаги 6-сон буйруғи). Натижада, ушбу мутахассислик бўйича таълим олаётган тингловчи ва талабалар, магистрант ва

амалиёт ходимларининг судлар фаолиятининг очиқлигини ва суд процессларининг ошкоралигини таъминлаш борасида билим, ўқув ва амалий кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида 2018-2020 йилларда амалга оширилган ПЗ-20170928652-сонли “Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилган (2020 йил 13 ноябрдаги 28-09-469/10-сонли хат) якуний ҳисоботининг “Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” номли бобида судлар фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини амалга оширишдаги муаммолар, судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик масалалари ҳамда халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференция ва илмий семинарларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 1 та илмий-амалий кўлланма, 1 та дарслик, 18 та илмий мақола ва тезислар (4 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, етти та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларнинг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Судлар фаолияти очиқлиги ва судда иш кўришнинг ошкоралиги тушунчаси, мазмуни ва уларни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида Судлар фаолияти очиқлигининг тушунчаси, мазмуни ва унинг одил судловни амалга оширишдаги аҳамияти кўриб чиқилган, судлар фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий

асослари ўрганилган.

Диссертант судда иш кўришнинг ошкоралиги ва судлар фаолиятининг очиқлиги каби атамаларнинг нисбатини тадқиқ этиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мазкур тушунчаларни бир хилда талқин қилиш каби ҳолатлар кўзга ташланишини, буни Судьялар олий мактаби тингловчилари ҳамда Наманган вилояти судьяларидан иборат 63 нафар респондентлар билан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳам тасдиқлашини, унга кўра, судлар фаолиятининг очиқлиги деганда нимани тушунасиз, деган саволга 24 нафар тингловчи судда ишларни ошкора кўрилиши, деган жавобни берганлигини кўрсатади.

Ш.Ш.Шорахметов, М.М.Мамасиддиқов, Д.Ю.Хабибуллаев, А.К.Горбуза, В.И.Анишина, Е.Г.Фоменко, К.Ф.Гуценко каби бир гуруҳ олимларнинг судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва транспарентлиги тушунчасига берган таърифлари ўрганилиб, ушбу тушунчага нисбатан ягона илмий ёндашув, ҳуқуқий таърифнинг мавжуд эмаслиги, ишлаб чиқилган таърифларнинг аксарияти процессуал ҳуқуқ назариясида шаклланганлиги, ошкоралик атамаси ишни судда кўриш принципи сифатида қўлланилиши, унинг замирида фуқаролар ва ташкилотларнинг қатор процессуал ҳуқуқларга эга бўлишлари ётишини, очиқлик атамаси эса давлат органи сифатида суд ҳокимиятининг фаолияти тўғрисида ахборотларга эга бўлишни таъминлаш масалаларини ўзида қамраб олиши тўғрисида хулосага келади. Дарҳақиқат, ижтимоий сўровда иштирок этган респондентларнинг аксарияти, яъни 60 % судлар фаолиятининг очиқлиги деганда, суд статистикасига оид маълумотларни ошкор қилиш, суд қарорларини эълон қилиш ва интернетда чоп этиш, очиқ суд мажлисларида жамоатчилик иштирокини кенгроқ жалб қилиш, ОАВ ва фуқаролар билан мулоқот қилиш кабиларни, яъни бир сўз билан айтганда, суд ҳокимиятининг фаолияти тўғрисида ахборотларга эга бўлишни тушунишларини баён этган.

Диссертант томонидан судда иш кўришнинг ошкоралигини самарали таъминланишига эришиш, унинг суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ўртасидаги фарқли жиҳатларни аниқлаш мақсадида судда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлаш борасида ҳуқуқларга эга бўлган шахслар гуруҳларга ажратилиб, улар фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлар таҳлил қилинди. Унга кўра, биринчи тоифадаги шахслар - ишда иштирок этувчи шахслар бўлиб, улар суд муҳокамасида иштирок этиш; одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ маълумотларни электрон ёки ҳужжатлаштирилган шаклда олиш (қабул қилиш); қонунда белгиланган тартибда ва шаклда суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио- ва видеоёзувини амалга ошириш; суд мажлисида аудио- ва видеоёзувларни намойиш қилиш жараёнида иштирок этиш; суд мажлисларини ОАВда трансляция қилинишига розилик бериш; суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви билан танишиш, суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзувлари кўчирма нусхасини олиш каби ҳуқуқлардан фойдаланиши ади. Иккинчи гуруҳга суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахслар мансуб бўлиб, улар суд муҳокамасида иштирок этиш; ёзма қайдлар қилиш; раислик қилувчининг рухсати ва тарафларнинг розилиги билан суд мажлисини

фототасвирга тушириш, аудио- ва видеоёзувини амалга ошириш; суднинг ҳал қилув қарори, ҳукмини ўқиб эшиттирилиши жараёнида иштирок этиш каби ҳуқуқлардан фойдаланиши тўғрисида ҳулосага келинган.

Тадқиқот ишида судлар фаолиятининг очиқлиги ва судларда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларни чуқур таҳлил қилиш, бу билан боғлиқ хорижий давлатлар қонунчилигини қиёслаш ҳамда ушбу асосларни янада такомиллаштириш мақсадида ушбу ҳуқуқий асослар шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганилди: а) судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг конституциявий асоси; б) суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асослари; в) суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг моддий-ҳуқуқий асослари. Ўрганиш натижасида мамлакатимиз ФПК, ИПК ва МСИЮтКда судларда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлаш масалаларини бир тизимга солиш, яъни ушбу масалаларни алоҳида бобда мустаҳкамлаш, суд мажлисини қайд этиш нафақат биринчи инстанция судларида, балки ишларни юқори инстанция судларида кўриш жараёнида ҳам татбиқ этилиши каби нормаларни киритиш юзасидан ҳулоса илгари сурилди. Шунингдек, ФПКнинг 377-моддасига агар суд мажлисида аудио- ёки видеоёзув амалга оширилган бўлса, аудио- ва видеоёзувларнинг электрон ёки бошқа ташувчилари суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўлишини киритиш таклифи асослантирилди.

Диссертант томонидан суд ҳокимиятининг очиқлигини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш, шунингдек, суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга оид мамлакатимиздаги мавжуд қонун ҳужжатларини ягона қонунга бирлаш-тириш мақсадида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ деган ҳулоса илгари сурилади. Судьялар олий мактаби тингловчилари ҳамда Наманган вилояти судьяларидан иборат 63 нафар респондентлар билан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, мазкур Қонуннинг қабул қилинишини қарийб 80 % респондент ёқлаган ва унинг тузилиши юзасидан илгари сурилган таклифларни қўллаб-қувватлаган.⁶

Респондентларнинг билдирган фикрлари, адабиётларда илгари сурилган ғоялар ҳамда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, Жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида умумий қоидалар, судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш талаблари ва бу каби ахборотни тақдим этиш тартиби, судларнинг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги, судлар фаолияти ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш,

⁶ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси бошлиғи Е.В.Коленконинг 2020 йил 24 октябрдаги 30/5-58101/20-сонли хатига жавобан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директорининг ўринбосари Д.У.Ариповнинг 2020 йил 1 декабрдаги 537-20-сонли хати асосида тақдим этилган саволномалар таҳлилидан олинган.

бу каби ахборотларни таъминлаш устидан назорат ҳамда якуний қоидалардан иборат бўлиши асослангилди.

Диссертациянинг **“Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш чегараси, кафолатлари ва ҳамкорлик масалалари”** деб номланган иккинчи бобида судлар фаолияти очиқлигидаги мустасно ҳолатлар ва уни аниқлашнинг айрим масалалари ҳамда судлар фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини амалга оширишдаги муаммолар, судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик масалалари ўрганилган.

Судда иш кўришнинг ошкоралигини истисно этадиган ҳолатларнинг қўйидаги икки тури мавжудлиги ҳақида хулоса қилинди:

биринчидан, табиий чекловлар, яъни ошкоралик принципини қўллашга одил судловни амалга ошириш учун мўлжалланган суд биноларидаги яратилган шароитнинг таъсири, судьялар иш юритувида бўлган ишларнинг ҳажми, яъни судьялар иш юкмасининг юқорилиги, сайёр суд мажлислари ўтказиладиган ҳудудларнинг олислиги ва бошқалар.

Иккинчидан, ҳуқуқий чекловлар, яъни қонунлар билан ишларни ёпиқ суд мажлисларида ўтказилишининг белгиланиши.

Диссертантнинг фикрича, одил судловнинг ошкоралиги борасидаги табиий чекловларнинг мавжудлигини унинг ижтимоий аҳамияти нуктаи назаридан салбий ҳодиса сифатида қараш керак. Чунки табиий чекловлар, яъни суд биноларида ишларни ошкора ўтказиш учун шароитнинг яратилмаганлиги, етарли ахборот технологияларнинг мавжуд эмаслиги, судьялар иш юкмасининг юқорилиги, сайёр суд мажлислари ўтказиладиган ҳудудларнинг олислиги каби ҳолатлар одил судловнинг сифатида салбий таъсир кўрсатади, шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини чеклайди.

Ҳуқуқий чекловларнинг мавжудлиги, яъни давлат сирига, ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан кўрикланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилиши эса ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки бу судга оид ахборотларнинг ижтимоий жиҳатдан зарарли табиати ёки давлат, шахсий ҳаёт ва бошқалар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра, давлат суд соҳасидаги ошкораликнинг табиий чекловларига қарши курашиши, юридик чекловларни назарда тутувчи ҳуқуқий нормаларни эса аниқ белгилаши ва такомиллаштириб бориши тақозо этилади.

Диссертант Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарорида судлар фаолияти тўғрисида маълумотларни олишнинг қандай усуллар билан таъминланишини батафсил белгиловчи тушунтиришлар мавжуд эмаслигини танқидий таҳлил этган. М.М.Мамасиддиқов ва К.Барнарнинг бу каби маълумотлар олиш имкониятининг яратилиши суд фаолиятининг жамоатчилик томонидан назоратга олишни таъминлаши, суд ишлари сонини камайишига ёрдам

бериши, судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашга ундаши ҳақида фикрларини умумлаштириб, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг аниқ таърифи ва рўйхатининг берилиши, ушбу маълумотларга кириш қандай усуллар орқали таъминланиши, бу каби маълумотни тақдим этиш шакли ва улардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилиши лозимлиги ҳақида хулосага келади.

Диссертант судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлашнинг усуллари сифатида: биринчидан, фуқароларнинг (жисмоний шахсларнинг), шу жумладан ташкилотлар (юридик шахслар)нинг очиқ суд мажлисида ҳозир бўлиши; иккинчидан, судлар тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб (чоп этиб) борилиши; учинчидан, интернет тармоғида судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг жойлаштирилиши; тўртинчидан, судлар, суд органлари, суд ҳамжамияти органлари жойлашган биноларда судларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириб борилиши; бешинчидан, судлар фаолияти тўғрисидаги архив ҳужжатларидан ахборот фойдаланувчиларини таништириш имкониятининг берилиши; олтинчидан, судларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни фойдаланувчиларнинг талабига биноан тақдим этилиши; еттинчидан, қонунларга мувофиқ Интернетда очиқ суд мажлисларини трансляция қилиниши ҳақидаги хулосаларни илгари суради.

Диссертант Интернет тармоғида судларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш масаласига тўхталиб, мазкур усул орқали суд жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш баробарида жамият аъзоларига одил судловни амалга оширишнинг қонунийлигини кузатишга имкон беришини, суд жараёнида коррупция таркибий қисмининг пайдо бўлиш эҳтимолини камайтиришини асослайди. Бу борада Германия, Франция, АҚШ ва Буюк Британия каби давлатлар тажрибасини таҳлил қилиб, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида қарор ва ҳукмларнинг матнлари улар кучга киргандан кейин Интернетда жойлаштирилиши, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсий ҳужжатлар ушбу ҳужжатлардан чиқариб ташланиши, шунингдек Интернетда суд тўғрисидаги, суднинг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ишларни судда кўриш билан боғлиқ маълумотлар киритилиши лозимлиги асослантирилди. Судга мурожаат қилишда расмийлаштириладиган ҳужжатларнинг шакли ва уларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар ва (ёки) ушбу ҳужжатлар намуналари, уларни судга тақдим этиш тартиби; судда кўриб чиқиладиган ишлар тоифалари бўйича давлат божининг миқдори ва тўлаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар; суддаги ишлар тўғрисидаги маълумотлар: ишларнинг рўйхатга олиш рақамлари, уларнинг номлари ёки низо предмети, суд процесси иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, судда ишларнинг бориши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек судларни кўриб чиқиш натижалари

бўйича суд ҳужжатлари чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (кўриб чиқиш куни билан режалаштирилган сана), суд мажлисининг вақти ва жойи, кўриб чиқилган, кейинга қолдирилган, тўхтатилган, тугатилган, келишув битими тузилган; кўрмай қолдирилган аризалар ҳақида маълумотлар ҳам Интернетда жойлаштирилиши ҳақидаги нормалар ҳам ушбу қонунда ўз ифодасини топиши ҳақида хулосалар илгари сурилган.

Диссертант томонидан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасида мазкур Қонунни қўллаш доирасини белгилаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, ушбу Қонун қуйидагиларга нисбатан: 1) судьяларнинг малака ҳайъатларида иш юритиш тартибига; 2) суд ҳужжатларини ижро этиш тартибига; 3) судлар, суд ҳамжамияти органлари томонидан тайёрланадиган шахсий маълумотларга киришни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларга; 4) судлар, суд ҳамжамияти органлари томонидан ҳамкорлик борасида амалга ошириладиган ўзаро ахборот билан ишлаш тартибига нисбатан татбиқ этилмаслиги асослантилди.

Ундан ташқари, агар қонун билан белгиланган тартибда давлат сири ёки бошқа сирни ташкил этувчи маълумот сифатида таснифланган бўлса, судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга кириш чекланиши ҳақидаги норма ҳам ушбу Қонунда ўз ифодасини топиши ҳақида хулоса илгари сурилди.

Диссертант суд ҳужжатларидаги шахслар тўғрисидаги маълумотларни рақамлаш (номерификация қилиш) борасидаги баҳс-мунозаларга тўхталиб, М.В.Чижовнинг қонун даражасида суд ҳужжатлари матнларини эълон қилишда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатланиши лозимлигини, А.В.Бухаревнинг эса суд ҳужжатларидаги шахсларни рақамлашни суд ҳужжатларини “хусусийлаштириш” деб баҳолаши ва уни суд ҳужжатларининг матнлари билан тўлиқ танишиб чиқиш жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштириши ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиб, суд ҳужжатидаги шахслар ҳақидаги маълумотларни фақат уларнинг илтимосига биноан рақамлаш (номерификация қилиш), уларнинг эътирози бўлмаса, суд ҳужжатлари матнлари тўлиқ Интернетдаги расмий веб-сайтга жойлаштирилиши кераклигини таклиф қилади. Шунингдек, қуйидаги асосларга кўра, ҳар қандай ҳолатда ҳам суд ҳужжатларидаги шахсни рақамланишини мақсадга номувофиқ деб ҳисоблайди: биринчидан, суд ҳужжатларидаги шахсни рақамлаш (номерификация қилиш) муайян бир суд ходимига вазифа қилиб юклатилиши мумкин ва ушбу фаолият учун масъул бўлган суд ходимларининг иш юкламасини сезиларли даражада оширади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, суд амалиётида ушбу вазифа кимларнинг зиммасига юклатилиши аниқ эмас ва бу фаолият билан шуғулланиш учун қўшимча штат бирлиги ташкил этилишига зарурат мавжуд. Иккинчидан, суд ҳужжатларидаги шахсни рақамлаш муайян вақт талаб этади ва суд қарорларининг суднинг веб-сайтларида эълон қилинишини кечиктирилишига олиб келади. Учинчидан, суд ҳужжатларидаги шахсни рақамлаш туман судларининг суд ҳужжатларини тўлиқсиз нашр этилишига олиб келади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд ҳужжатларига

Ўзгартириш киритиш, ундаги маълумотларнинг ўзгартирилиши суд ҳокимиятининг очиқлиги принципининг аҳамиятига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Диссертант томонидан ушбу боб доирасида судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида оммавий ахборот воситалари (ОАВ) билан ҳамкорликни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, қонунчиликда судьялар ҳамжамияти ва ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг амалга оширилиши тартибини белгилаш ва унда судлар, суд ҳамжамияти органлари билан ОАВ таҳририяти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мақсад ва шаклларига доир нормаларни белгилаш, унга кўра: 1) ОАВ таҳририяти вакилларининг судлар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилган суд биноларига кириши, шунингдек уларнинг очиқ суд мажлисларида иштирок этиши; 2) суд органлари жамоаси мажлисларида ОАВ таҳририяти вакилларининг ушбу органлар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда ҳозир бўлиши; 3) ОАВ таҳририятларининг талабига биноан судлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этиш; 4) судлар фаолиятини, шу жумладан ушбу фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларини ахборот орқали ёритиш; 5) судлар, суд ҳамжамияти органлари вакилларининг ОАВ таҳририяти вакиллари иштирокидаги матбуот анжуманлари ва бошқа қўшма тадбирларда иштирок этиш; 6) судларда, суд ҳамжамияти органларида ОАВ таҳририяти вакилларини аккредитация қилиш; 7) фойдаланувчиларга судлар фаолияти тўғрисида маълумот берадиган ўзаро муносабатларнинг бошқа шакллари таклиф қилинади.

Судлар ва ОАВ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш қандай принципларга асосланиши лозимлиги юзасидан берилган саволга саволномада иштирок этган аксарият респондентлар (40 %) юқоридаги таклифларни етарли эканлигини таъкидлаган.

Судьялар ҳамжамияти ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарадорлигини ошириш учун унинг очиқликни таъминлаш йўналишида амал қиладиган устувор принциплари сифатида ўзаро ишончга асосланиш, томонларнинг жавобгарлиги, ўзаро манфаатдорлик, жамоатчилик манфаати, ахлоқ қоидаларига риоя этиш, шаффофлик, объективлик ва технологик имкониятларни ҳисобга олишнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиш асослантилган.

Судьялар олий мактаби тингловчилари ҳамда Наманган вилояти судьяларидан иборат жами 63 нафар респондентлар билан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини жорий этиш механизмлари сифатида юқоридаги таклифларни қўллаб-қувватлаган.

Диссертантнинг фикрича, судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида ОАВ билан ҳамкорлик борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ахборот билан таъминлашнинг узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш, шунингдек судлар ва судьяларнинг ОАВда ўз фаолиятини ёритишга қаратилган манфаатдорлигини ошириш, ошкораликни ноқонуний ва асоссиз чеклашлар, суд мажлисларида

журналистларнинг иштирок этишини тақиқлаш тўғрисидаги қуйи суд қарорларига юқори судларнинг эътиборини оширишга қаратилган яхлит ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни назарда тутувчи махсус концепцияни ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Диссертациянинг **“Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш воситалари ва уларни татбиқ этиш муаммолари”** деб номланган учинчи бобида судлар фаолиятига электрон одил судлов моделини татбиқ этиш ҳолати ва истиқболлари, суд ҳокимияти очиқлигини таъминлашда жамоатчилик назорати ва жамоатчилик вакиллари иштирокини ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган.

Диссертантнинг фикрича, электрон одил судлов суд функцияларининг шаффофлигини, маълумотларнинг ошқоралигини таъминлайди ва натижада судьяларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлаш учун янги имкониятлар пайдо бўлади. Шу нуқтаи назардан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия ва Австрия каби давлатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, электрон одил судловнинг ҳуқуқий механизмлари сифатида ахборотнинг очиқлиги; масофавий ҳамкорлик; суд қарорларининг маълумотлар базаси; суд қарорларининг халқаро миқёсда тан олинishi; электрон ҳужжат айланиши; ишларни электрон тарзда масофадан қўзғатиш ва ҳужжатларни топшириш; электрон маълумотлар; электрон консалтинг кабилар мавжудлиги ҳақидаги хулосага келади.

Электрон одил судлов - одил судловнинг очиқлиги ва қулайлигини таъминлаш ва ижтимоий-ҳуқуқий низоларни судлар томонидан самарали ҳал этиш учун маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, сақлаш, тарқатиш, намойиш этиш ва улардан фойдаланиш мақсадида дастурий-техник воситаларни қўллаш жараёни деган таърифни илгари суради.

Диссертант **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши назарда тутилганлиги, бироқ суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини назарда тутувчи алоҳида қонун ҳужжатлари мавжуд эмаслигини, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Жиноят процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш кодексларига суд фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қаратилган нормаларни киритиш ва шу асосда юқоридаги кодексларни такомиллаштириш лозимлиги асослаб берилган.

М.М.Мамасиддиқов, В.И.Бадашханов, И.А.Огнева каби бир гуруҳ олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда фуқароларнинг одил судловни амалга оширишда иштирок этишининг асосий йўналишларидан бири – бу одил судловни амалга оширишда суд ишларини юритишнинг турли даражаларида халқ маслаҳатчиларининг иштирокини кенгайтириш эканлиги ҳақида хулосага келади. Диссертант мамлакатимизда халқ маслаҳатчилари институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида **“Ўзбекистон Республикасининг халқ маслаҳатчилари тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш таклифини илгари суради. Мазкур Қонунда халқ маслаҳат-

чилари фаолиятининг асосий принциплари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг одил судловни амалга ошириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи, халқ маслаҳатчиларига нисбатан қўйилган талаблар, халқ маслаҳатчиларини шакллантириш тартиби, муайян иш бўйича халқ маслаҳатчисини ўз мажбуриятини бажаришдан озод қилиш, халқ маслаҳатчиларини ўз мажбуриятларини бажаришга жалб қилиш муддати, халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, халқ маслаҳатчилари ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, халқ маслаҳатчиларининг моддий таъминоти, халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатлари, халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш масалаларига оид нормаларни киритишни таклиф қилади.

ХУЛОСА

Судлар фаолияти очиклигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилиш натижасида тадқиқот иши доирасида қуйидаги назарий, амалий-ташкилий ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва хулосалар берилади.

I. Илмий-назарий хулоса ва таклифлар

1. Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

- суд ҳокимиятининг очиклиги одил судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўзига хос кўринишларидан бири бўлиб, судлар фаолияти тўғрисида маълумотлар олиш ва уни эълон қилиш, суд тизимининг ахборот маконини яратиш ва судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ва уларга эга бўлиш воситаси ҳисобланади.

- Суд муҳокамасининг ошкоралиги – бу конституциявий принцип ҳисобланиб, суд томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний ва асослилигини таъминлаш баробарида ҳамма судларда ишларнинг очик кўрилишини, ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилишини ҳамда мазкур принцип асосида мамлакатимиз процессуал кодекслари орқали ишларни ёпиқ суд мажлисида кўриб, қарор чиқариш асоси ва тартибини белгилайди.

- Электрон одил судлов одил судловнинг очиклиги ва қулайлигини таъминлаш ва ижтимоий-ҳуқуқий низоларни судлар томонидан самарали ҳал этиш учун маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, сақлаш, тарқатиш, намойиш этиш ва улардан фойдаланиш мақсадида дастурий-техник воситаларни қўллаш жараёнидир.

2. Мамлакатимизда судлар фаолиятининг очиклиги ва судларда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларини ажратиш мумкинлигини кўрсатади:

1) Судлар фаолияти очиклигини таъминлашнинг конституциявий асоси.

2) Суд ҳокимиятининг фаолиятида очиклик ва ошкораликни таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асослари.

3) Суд ҳокимиятининг фаолиятида очиклик ва ошкораликни таъминлашнинг моддий-ҳуқуқий асослари.

Судлар фаолиятининг очиклиги ва судларда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини гуруҳларга бўлиб ўрганиш, ушбу ҳуқуқий асосларни чуқур таҳлил қилишга, бу билан боғлиқ хорижий давлатлар қонунчилигини қиёслашга ҳамда ушбу асосларни янада такомиллаштиришга замин яратади.

